ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

Maxsus son, № 2, 2020

www.psixologiyabuxdu.uz

*The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency*

***

*According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.*

***

*Address:*

*200100, Bukhara city,*
*K.Murtazoyev street, 16*
*Bukhara State University*
*Department of Psychology*
*Phone: 0(365) 221-29-73*

**The journal is published 4 times a year**

*Website: www.psixologiyabuxdu.uz*
*E-mail: psixologiya_jurnali@umail.uz*

*Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011- yil 25-fevral № 05-45-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.*

***

*Jurnal O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 201/3-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo`yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo`lgan ilmiy jurnallar ro`yxatiga kiritilgan.*

***

*Tahririyat manzili:*

*200100, Buxoro shahri,*
*K.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy*
*Buxoro davlat universiteti*
*Psixologiya kafedrasi*
*Tel: 0(365) 221-29-73*

**Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.**

*Website: www.psixologiyabuxdu.uz*
*E-mail: psixologiya_jurnali@umail.uz*

*Журнал зарегистрирован Бухарским областным управлением агентства печати и информации Республики Узбекистан. Свидетельство № 05-45 от 25.02.2011г.*

***

*Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании решения ВАК №201/3 от 26 декабря 2013 года для получения учёной степени доктора психологических наук.*

***

*Адрес:*

*город Бухара 200100,*
*улица М.Икбола, 11*
*Бухарский государственный университет*
*кафедра Психологии*
*тел: 0(365) 221-29-73*

**Журнал выходит 4 раза в год.**

*Website: www.psixologiyabuxdu.uz*
*E-mail: psixologiya_jurnali@umail.uz*

***Исматова Дилафруз Туймуродовна,***
*БухДУ Психология кафедраси ўқитувчиси*



# ТАЛАБА ЁШЛАРДА КОММУНИКАТИВ ТОЛЕРАНТЛИКНИ ЎРГАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

***Аннотация:*** *Мақолада мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари ва идрок этишларида аҳамиятли бўлган коммуникатив толерантлик ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, талаба ёшларда коммуникатив толерантликнинг намоён бўлиши экспериментал тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлар:*** *коммуникатив толерантлик, мулоқотдан қониқиш, дўстлик, ижтимоий тажриба.*

***Аннотация:*** *В данной статье даются сведения о таком необходимом и важном качестве процесса общения как правильное восприятие и понимание – коммуникативная толерантность. Кроме этого, экспериментально изучено проявление коммуникативной толерантности среди студенческой молодёжи.*

***Ключевые слова:*** *коммуникативная толератность, удовлетворенность общением, дружба, социальный опыт.*

***Abstract:*** *In this article is provided the information on such important and necessary quality of com-municating process as a correct perception and understanding - communicative tolerance. Besides, that experimental manifestation is studied of communicative tolerance among the students.*

***Key words:*** *communicative tolerance, communicative satisfaction, friendship, social experience.*

**Мавзунинг долзарблиги:** Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда кенг омманинг қўллаб-қувватлашига, жамиятнинг умуммақсад йўлида ҳамфикр бўлишига эришиш лозим. Бу – республикада тинчлик ва осойишталикни, одамларнинг тақдири, бутун мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи вазифадир [1]. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур туйғусини кучайтириш, иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик сингари хислатларни шакллантириш, таълим-тарбия борасида миллий, умуминсоний анъаналар, қадриятлардан кенг ва унумли фойдаланиш, ҳар бир фуқарони мустақилликнинг онгли фидойисига айлантириш ҳозирги куннинг асосий мақсадидир. Иймон, эътиқод, умуман олганда, том маънодаги инсонийликни таъминловчи барча омиллар қалбидан чуқур жой олган фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Шунинг учун талаба ёшлар хулқ-атворида толерантлик хусусиятларини шакллантириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Ёшларда толерантлик хулқини шакллантириш, тинчликсеварлик, турли йўналишдаги экстремизмга қарши курашиш ва бу офатнинг олдини олиш чораларини кўриш кўп миллатли давлат учун алоҳида аҳамият касб этади.

Мустақил фаолият юритишга тайёрланаётган ёшларнинг оила, ўзлари мансуб бўлган микро ва макромуҳит аъзолари билан толерант алоқада бўлишлари, улар билан биргаликда кечаётган ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлайди. Шу сабабли таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш орқали ёшлар онгига миллий қадриятларни сингдириш, уларда мустаҳкам маънавий-ахлоқий эътиқод ва атрофдагиларга, шу жумладан, турли миллат ва элат вакилларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, миллатлараро ўзаро ишонч ва ёрдамни қарор топтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Психологик нуқтаи назардан толерантлик – инсоний бағрикенгликнинг бир кўриниши ёки ифодаси бўлиб, инсон учун ёқимсиз, нохуш бўлган бирор омилга нисбатан қатъий жавоб-нинг йўқлиги ёки унинг кучсизлигини билдиради. Ўша вазият ёки омил қанчалик шахсга ёқма-сада, у бунга чидайди, босиқлик қилади, керак бўлса мослашади [2].

Шахслар мажмуасидан иборат бўлган миллат қанчалик мураккаб бўлмасин у бутун инсониятнинг маънавий ва моддий бойлиги, гўзаллигининг тимсоли ҳисобланади. Айни пайтда унинг ўзига хослиги билан бир қаторда манфаатлари ҳам мавжудлиги ва чексизлигини ҳисобга

олсак, миллатларнинг тинч ва барқарорликда яшашлари учун улар онгида бирдамлик манфаатларини ҳисобга олишнинг муҳим омили бўлган толерантликни шакллантириш амалий аҳамиятга эгадир.

"Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади" [1]. Оила – боланинг илк маънавий қадриятлари, шу жумладан толерантлик шакллантириладиган психологик макон ҳисобланади.

Мулоқотга киришувчиларнинг яқинлиги, бир-бирлари билан мулоқотдан қониқиш ҳосил қилганлигининг юксак даражаси, ҳис-туйғулар ва афзалликнинг тахмин қилиниши билан белгиланадиган муносабатлар ва ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг барқарор, индивидуал-танлаш тизими бўлган дўстлик кишилар муносабатининг алоҳида шакли сифатида юз беради. Дўстликнинг ривожланиб бориши унинг ўзаро ҳамжиҳатликнинг зарурлигини, ошкоралик ва очиқликни, ишончни, ўзаро фаол ёрдамлашувни, самимийликни ва ҳис-туйғуларнинг беғаразлигини қарор топтирувчи ёзилмаган қонун-қоидага амал қилишни тақозо этади.

Ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилатлари, ҳатто нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнининг маҳсулидир. Ҳар қандай мулоқотнинг энг содда вазифаси – суҳбатдошларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом-алик, суҳбатдошни очиқ юз билан кутиб олишдан бошланади. Бу жиҳат миллий ўзига хосликка эга. Яна бир муҳим вазифаси ижтимоий тажрибага асос солиш бўлиб, одам боласи фақат одамлар орасида ижтимоийлашади ва ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради.

Фарғона давлат университети талаба ёшларида коммуникатив толерантлик даражасини ўрганиш мақсадида "Коммуникатив толерантлик" методикасини ўтказдик.

Респондентлардан олинган натижаларни коммуникатив толерантликнинг намоён бўлиши сифатида 3 та даражага, яъни 0-45 баллгача "юқори", 46-90 баллгача "ўрта", 90-135 баллгача "паст" даражага ажратиб олдик.

Коммуникатив толерантлик намоён бўлишининг "юқори" даражаси (0-45 баллгача) йигитларда жами респондентнинг 23 фоизини, қизларда жами респондентнинг 14 фоизини ташкил этди.

**Жадвал № 1**

**Тестнинг жинслар бўйича натижалари**

| **Коммуникатив толерантлик даражаси** | Респондентлар берган жавоблари сони | | Респондентлар берган жавоблари (фоиз ҳисобида) | |
|---|---|---|---|---|
| | Йигитлар | Қизлар | Йигитлар | Қизлар |
| 0-45 гача юқори | 8 | 5 | 23 | 14 |
| 46-90 гача ўрта | 27 | 30 | 77 | 86 |
| 91-135 гача паст | - | - | - | - |

Коммуникатив толерантлик намоён бўлишининг "ўрта" даражаси (46-90 баллгача) йигитларда жами респондентнинг 77 фоизини, қизларда жами респондентнинг 86 фоизини ташкил этди.

Олинган натижанинг ишончлилик даражасини $X^2$-Рирсон усулига асосан аниқладик.

$$x^2 = \frac{(P - P^1)^2}{P^1}$$

| **P** | **$P^1$** | **$P\text{-}P^1$=d** | **$D^2$** | **$D^2/P^1$** |
|---|---|---|---|---|
| 8 | 5 | 3 | 9 | 1,8 |
| 27 | 30 | -3 | 9 | 0,3 |
| 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | | | | **2,1** |

***$X^2$=2,1*** ***P<0,2*** ***ишончли***

**Жадвал № 2.**

**Тестнинг умумий натижаси**

| **Коммуникатив толерантлик даражаси** | Респондентлар берган жавоблар сони | Респондентлар берган жавоблар (фоиз ҳисобида) |
|---|---|---|
| 0-45 гача юқори | 11 | 16 |
| 46-90 гача ўрта | 59 | 84 |
| 91-135 гача паст | - | - |

Олинган натижага кўра коммуникатив толерантлик намоён бўлишининг "юқори" даражаси (0-45 баллгача) 11 та респондентга тўғри келиб, бу жами 70 та респондентнинг 16 фоизини ташкил этади.

Коммуникатив толерантлик намоён бўлишининг "ўрта" даражасига (46-90 баллгача) 59 та респондент тўғри келиб, бу жами 70 та респондентнинг 84 фоизини ташкил этади.

Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, талаба ёшларда киришимлилик, ўзгаларни тушуна олиш, очиқ кўнгиллилик, келишувчанлик, мослашувчанлик, ўз-ўзини англаш, ҳамдардлик, чидамлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик, масъулиятлилик каби сифатлар шаклланган.

**Адабиётлар:**

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО ваколатхонаси нашри. Нашр учун масъуллар: А. Саидов. К. Жўраев. – Т., 1999.

1. Кадирова З. Толерантность как ключевая норма разнообразия и развития//«Ёшларда ижтимоий толерантликни юксалтириш масалалари» мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. 1-китоб. – Тошкент, 2006.

2. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды: в 2-х т. – М.: Педагогика, 1980. – 186 с.

3. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: Аспект пресс 2000. – 139 с.



***Баратов Шухрат Шарипович,***

*сотрудник таможенного Управления по Навоийской области,*

***Саламов Сарвар Ташпулатович,***

*Слушатель магистратуры Таможенного института.*



# РАЗВИТИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ НАВЫКОВ СОТРУДНИКА ТАМОЖЕННОГО ОРГАНА ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ ПРАВИЛЬНОГО КОДА ТН ВЭД ТОВАРА

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются проблемы профессионально-психологической подготовки сотрудников таможенных органов. Указывается на цель и основные задачи такой подготовки, описываются требования, предъявляемые к профессионально-психологическим качествам личности сотрудников таможенных органов. Одним из важнейших направлений совершенствования таможенного контроля является методология идентификации и классификации товаров по Товарной номенклатуре Республике Узбекистан, повышение качества и оперативности которого, связано с разработкой новых таможенных инструментов и методик.*

***Ключевые слова:*** *классификация, рисковые ситуации, психология, психологические особенности сотрудника таможни, профиль, агрессия, интеллект.*

***Аннотация.*** *Мақолада божхона ходимларининг касбий-психологик тайёргарлигида учраётган муаммолар кўриб чиқилган. Бундай машғулотларнинг мақсади ва асосий вазифалари кўрсатилиб, божхона органлари ходимларининг касбий-психологик сифатларига қўйиладиган*

## *Мундарижа / Содержание / Contents*


| | |
|---|---|
| 3 | ***Мусинова Р.Ю.*** |
| | Структурно-функциональная модель креативной саморегуляции современного педагога |
| | Structural and functional model of creative self-regulation of a modern teacher |
| 12 | ***Аслонов И.Н.*** |
| | Психологический тренинг как средство преодоления барьеров общения в профессиональной сфере |
| | Psychological training as a means of overcoming communication barriers in the professional field |
| 17 | ***Қораева Ю.Х.*** |
| | Психологияда эгоизм муаммосининг тадқиқ этилиши |
| | The study of the problem of selfishness in psychology |
| 21 | ***Назаров А.М.*** |
| | Спортчиларда психологик муҳофазани шакллантириш усуллари |
| | Methods of formation of psychological protection in athletes |
| 27 | ***Абдуманнотов Э.А.*** |
| | Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида экскурсия туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш механизмларини такомиллаштиришнинг психологик шарт – шароитлари. |
| | The psychological conditions of developing the mechanisms of encouraging nationalistic sentiments among state schoolchildren by means of excursions to places of historical importance. |
| 34 | ***Алимарданова Р.Н.*** |
| | Оилада соғлом психологик муносабатларни таъминлашнинг муҳим омиллари |
| | Important factors in maintaining a healthy psychological relationship in the family |
| 38 | ***Бозоров З.А.*** |
| | Тиббиёт олийгоҳи талабаларида фуқаролик маданиятини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари |
| | Psychological features of the development of civic culture in medical students |
| 44 | ***Zaripov N.N.*** |
| | O’quvchilarga dasturlash tillarini o’qitishda o’yin texnologiyalaridan samarali foydalanishning psixologik imkoniyatlari |
| | Psychological possibilities of effective use of game technologies in teaching programming languages to students |
| 50 | ***Рўзиев М.Қ.*** |
| | Таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик имкониятлари |
| | Psychological possibilities of using new pedagogical technologies in the educational process |
| 53 | ***Акрамов М.Р.*** |
| | Экологик онг ва ахлоқий тасаввурлар ўртасидаги ўзаро алоқанинг психологик асослари |
| | Psychological basis of the interaction between ecological consciousness and moral perceptions |
| 56 | ***Остонова Г.Р.*** |
| | Ўқувчилар томонидан санъат асарларини идрок ва тасаввур қилинишининг ўзига хос хусусиятлари |
| | Peculiarities of students' perception and imagination of works of art |

| | |
|---|---|
| 63 | ***Ёқубова Д.М.*** |
| | Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ўстириш воситаларини қўллаш ва тадбиқ этиш психологияси |
| | Psychology of application and application of means of development of thinking of preschool children |
| 68 | ***Исакова М.Т.*** |
| | Диний эътиқод шахс руҳий саломатлигининг омили сифатида |
| | Religious faith as a factor of mental health |
| 73 | ***Баротова Д.Ш.*** |
| | Психологик хизмат самарадорлигини тадқиқ қилишда кэттелл ва рикс-уэссман усулларидан фойдаланишнинг статистик имконияти |
| | Statistical possibility of using the Kettell and Re[-Wessman methods in the study of the effectiveness of psychological services |
| 78 | ***Ганжиев Ф.Ф.*** |
| | Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари социал-психологик компетентлигининг психологик хусусиятлари |
| | Psychological features of socio-psychological competence of preschool teachers |
| 82 | ***Рахимов Р.*** |
| | Ўқувчиларни мусиқа дарсларида ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари |
| | Pedagogical and psychological features of moral and aesthetic education of students in music lessons |
| 85 | ***Балиев У.И.*** |
| | Мусиқа таълими йўналиши талабалари тарбиясига педагогик-психологик тизим асосида ёндошиш |
| | Approach to the education of students in the field of music education on the basis of pedagogical-psychological system |
| 87 | ***Қўшаев И.А.*** |
| | Достон номалари идрокини шакллантириш омиллари |
| | Factors shaping the perception of epic letters |
| 91 | ***Ахтамов И.И.*** |
| | Бошланғич синф ўқувчиларини мақом санъати билан ошно қилишнинг психологик хусусиятлари |
| | Psychological features of acquainting primary school students with the art of makom |
| 95 | ***Рўзиев Д.Й.*** |
| | Оркестрда ижро этишнинг айрим педагогиква психологик омиллари |
| | Some pedagogical and psychological factors of orchestral performance |
| 102 | ***Рўзиқулова А.Т.*** |
| | Касбий тажриба педагогик фаолиятда манипулятив мулоқот хусусиятларини белгиловчи омил сифатида |
| | Professional experience as a factor determining the characteristics of manipulative communication in pedagogical activity |

| | |
|---|---|
| 102 | **Berdiyeva G.J.** |
| | Nizolarda konstruktiv xulq-atvor shakllanishining ijtimoiy-psixologik omillari |
| | Socio-psychological factors of the formation of constructive behavior in conflicts |
| 112 | ***Сатторов А.Э., Ибрагимов А.К.*** |
| | Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари |
| | Psychological features of the formation of emotional and volitional qualities in athletes |
| 118 | ***Кадирова М.Р., Эргашева Ш.П.*** |
| | Педагогические - психологические условия и мотивация в развитии творческой активности студентов при изучении иностранного языка в медицинском вузе |
| | Pedagogical - psychological conditions and motivation in the development of creative activity of students in the study of a foreign language at a medical university |
| 123 | ***Исматова Д.Т.*** |
| | Талаба ёшларда коммуникатив толерантликни ўрганишнинг психологик имкониятлари |
| | Psychological possibilities of studying communicative tolerance in student youth |
| 125 | ***Баратов Ш.Ш., Саламов С.Т.*** |
| | Развитие психологических навыков сотрудника таможенного органа при определении правильного кода тн вэд товара |
| | The development of psychological skills of the customs officer in determining the correct code tn foreign trade goods |
| 130 | ***Умурзоқов Д.Х., Расулова Ю.Б.*** |
| | Илк ўспиринларнинг ёшга оид психологик хусусиятлари ва уларни миллатга мансубликни англашни шаклантиришдаги ўрни |
| | Agerelated psychological characteristics of early adolescents and their role in shaping their perception of ethnicity |
| 132 | ***Сафаров Д.Х.*** |
| | Савдо-сотиқдаги психологик таъсир ва унинг назарий-амалий таҳлили |
| | Theoretical-practical analysis of the psychological impact of trading |
| | **ИЛМИЙ МУШОҲАДА** |
| 138 | ***Останов Ш.Ш.*** |
| | Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш |
| 141 | ***Кадиров. А.М.*** |
| | Руҳият ва маънавият уйғунлиги |
| 142 | ***Xidirov A.A.*** |
| | Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини ривожлантиришда мумтоз мусиқанинг методик асослари |
| | Methodological basis of classical music in the development of artistic tastes of future music teachers |
| | **УСТОЗГА ЭҲТИРОМ** |
| 146 | ***Баротов Ш.Р.*** |
| | Устоз Бақо Ҳафизов 87 ёшда |
| 148 | **ОАК ХАБАРЛАРИ** |




*Bizning yangilangan saytimizga tashrif buyuring*

**PSIXOLOGIYABUXDU.UZ**

Saytimizda maqolalarni o'qishingiz  va ularni elektron nusxasini yuklab olishingiz mumkin

















| | | |
|---|---|---|
| **PSIXOLOGIYA**<br>ilmiy jurnal<br>Maxsus, 2-son (41)<br>Buxoro – 2020. 142 b.<br><br>**PSIXOLOGIYA**<br>научный журнал.<br>Спецальный выпуск 2. (41)<br>Бухара – 2020. – 142 с. | Jurnal O`zbekiston psixologlarining BuxDU muassisligidagi nashri hisoblanadi.<br><br>**Jurnalning nashr sifati uchun bosmaxona javobgar.**<br><br>OBUNA INDEKSI 3062 | Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi.<br>Bosishga ruxsat etildi<br><br>Qog`oz bichimi 60x84, 1/8<br>Tezkor bosma usulda bosildi.<br>Shatrli bosma tabog`i - 15 Buyurtma №75. Adadi – 60<br>Bahosi kelishilgan narxda.<br>"Sharq Buxoro" MCHJ bosmaxonasida chop etildi.<br>Bosmaxona manzili:<br>Buxoro sh. M. Iqbol, 11-uy. |

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 201/3-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo`yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo`lgan ilmiy jurnallar ro`yxatiga kiritilgan.*

ISSN 2181-5291